



MURABBIY
ILMIY-MA'RIFIY JURNAL

“**MURABBIY**”

**ILMIY-MA'RIFIY
JURNAL**

Issue:2 2021

<https://science.jspi.uz/>



Chief Editor:

S.Nazarkasimov, Doctor of Philosophy (Ph.D) in Sociology, Vice-Rector of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

A.Turaev, senior teacher of Jizzakh State Pedagogical Institute, Uzbekistan

Members of the editorial board:

Sh.S.Sharipov - Professor
B.M.Ochilova - Professor
D.Khodjimetova - assistant professor
A.Pardaev - assistant professor
M.N.Khoshimkhonov - assistant professor
A.I.Saidkasimov - assistant professor -
F.K.Akhmedov - assistant professor
B.E.Toshboev - assistant professor
I.N.Akhmedov - PhD
D.Salimova - PhD
N.N.Alimov - assistant professor
M.Saidov - Ph.D.
X.Maxammadiev - teacher

Editorial Representative:

Abrar Turaev
Jizzakh State Pedagogical Institute,
Uzbekistan
Phone: +998933091877
e-mail: ijtimoiy2017@mail.ru

**ONLINE ELECTRONIC
JOURNAL**

“Murabbiy” ilmiy-ma’rifiy jurnali
“Mentor” scientific-educational
journal

Научно-просветительский
журнал “Наставник”

Indexed By:



Published By:

<https://science.jspi.uz/>

Jizzakh State Pedagogical
Institute, Uzbekistan



MUNDARIJA / CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

№	MUALLIFLAR/ AUTHORS / АВТОРЫ	MAQOLA NOMI/ ARTICLE TITLE/ НАЗВАНИЕ СТАТЬИ	SAHIFALAR/ PAGES/ СТРАНИЦЫ
1	Н.А.Шермухамедова	Даврнинг руҳи ва таълим тизими ислохотларининг мутаносиблиги	4-10
2	С.С.Агзамходжаева	Аёл маънавияти – ҳаёт зийнати	11-16
3	О.М.Ғайбуллаев	Ёшларда диний бағрикенгликни шакллантиришнинг фалсафий моҳияти	17-20
4	Г.М.Тўраева	Юксак маънавият маъсулияти	21-28
5	Ф.Б.Файзиёва	Ёшлар кибер ижтимоийлашуви амалий социологик тадқиқот объекти сифатида	29-32
6	Ф.Маматқулов	Шахс камолотида маънавиятнинг ўрни	33-38
7	А.А.Қамбаров	Ёшларни маънавий-ахлоқий таҳдидлардан ҳимоя қилишда диний ислохотлар масаласи	39-42
8	С.Э.Ибрагимов	Баркамол авлодни шакллантиришда ғўзаллик тушунчасининг аҳамияти	43-47
9	И.М.Арзиматова	Глобаллашувнинг ёшлар маънавий тарбиясига салбий таъсири	48-51
10	Г.Х.То`раева	Globalashuv sharoitida yoshlarda axborot istemoli madaniyatini shakllantirish va rivojlantirish masalalari	52-55
11	У.Б.Муҳаммадиев	Маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашиш ўзликни англашдадир	56-60
12	Н.Алиматова	Глобаллашув шароитида ёшлар онгида миллий ғояни шакллантиришда интеллектуал кадрларнинг роли	61-65
13	S.A. Pilyak	Analysis of the concept of identity in the context of cultural heritage interpretation	66-71
14	Н.Тангиров	Ижод жараёнининг фалсафий таҳлили	72-75
15	М.Мамажонов	Глобаллашув ва маънавий таҳдидларнинг моҳият-мазмуни	76-78
16	Б. Б. Жалолов	Зардуштийлик таълимоти манбалари таҳлиланализ источников учения зороатризма	79-82
17	Ф.Абдусаматов	Ёшлар тарбиясида ислом омили	83-86
18	А.А.Абдурахмонов	Давлат ва жамият бошқарувида ёшлар муаммоларини ҳал қилишнинг устувор йўналишлари	87-91
19	M.Nabiyev	Globalashuv sharoitida ijtimoiy-ma’naviy qadriyatlarga asoslangan mafkuraviy	92-96

		tarbiyaning ahamiyati	
20	М.Маматмусаева	Глобаллашув шароитида мафкуравий тарбиянинг ўрни: муаъmmo ва ечимлар	97-101
21	Н. Davlatova	Jizzax vohasi tojiklari: an’anaviy turmush tarzi va urf-odatlar	102-108
22	З. Миркомилова	Глобаллашув: манфаатлар ва зиддиятлар	109-114
23	С. Музаффаров	Миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш маънавий ҳаётнинг долзарб вазифаси	115-118
24	С. Тоштемирова	Глобаллашув шароитида маънавиятни шакллантиришда диний бағрикенгликнинг аҳамияти	119-121
25	С. Каримов	Шахснинг ҳаётий мақсадлари ва уларнинг ижтимоий аҳамияти	122-124
26	А. Э. Зиётова, Э. А. Бозоров	Глобаллашув шароитида маънавий-ахлоқий таҳдидларга қарши курашда таълим-тарбия муассасаларининг вазифалари	125-129
27	А. Ш. Эшмуҳаматов, Ж. Хушбақов	Амир Темур салтанатининг вужудга келиши	130-133
28	А. Пармонов	Ёшлар ватанпарварлиги - хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш кафолати	134-140
29	П. Қулматов	Шах маънавиятини шакллантиришда ота-она масъулияти	141-144
30	Ш. Ж. Хашимов, С. Х. Хашимова	Маънавий глобаллашув, ахборотлашган жамият ва ёшлар тарбияси	145-148
31	А. Холбоев	Ёш авлодни юксак маънавиятли шахс қилиб тарбиялашнинг назарий – педагогик асослари	149-154

ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАХДИДЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ДИНИЙ ИСЛОҲОТЛАР МАСАЛАСИ

*Қамбаров Абдумутал Ахаджонович - фалсафа фанлари номзоди,
Фаргона давлат университети доценти*

“Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътиборни қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир”(1).

Кейинги йилларда жамиятимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар қатори, диний соҳадаги ислохотларга, жумладан, диний кадриятларга бўлган муносабат тубдан ўзгара бошлади. Айниқса, Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари ва диний алломаларнинг асарларини йиллар давомида ўрганиш натижасида билдикки, уларнинг асарларида ҳам зарарли ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш масалаларига оид ахлоқий-тарбиявий фикрлар борлигини англаб етдик. Жумладан, шариат, қонун-қоидалар билан бир қаторда ахлоқий камолот, маданият, маърифат, маънавият, кадрият, ҳалоллик, поклик, иймон-эътиқод, ишончу ихлос ва виждон билан боғлиқ бўлган маънавий-ахлоқий масалаларни шакллантиришга кўмак берадиган омиллар эътибордан четда қолмаганлигини кўраимиз.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек,- “...Баъзан ислом дини ва диний ақидапарастлик тушунчаларини бир-биридан фарқлай олмаслик ёки ғаразли мақсадда уларни тенг қўйиш каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга, ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибисиз, ғўр ёшларни ўз тузоға илантириб, бош-кўзини айлантрииб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда”(2). Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ёшларининг маънавий қиёфасини мустақиллик мафкураси, унинг инсоний тамойиллари асосида шакллантиришга бош вазифа сифатида қаралаётгани бежиз эмас. Шунингдек, ёшларнинг маънавиятига ва мафкуравий тарбиясига, уларнинг билим ва касб маҳоратини ошириш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. “Менинг назаримда,- деб ёзади Ислом Каримов, ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида, - “маънавият” тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади”(3).

Жамиятимизда ўсиб келаётган ёш авлодни асраб-авайлаш, онги эндигина шаклланаётган ёшларни бегона, ёт ғоялар ортидан эргашиб кетишларини олдини олиш ва уларни келажак учун комил инсон қилиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги глобаллашув шароити жамиятда юксак ахлоқий ва ҳар жиҳатдан ривожланган, дунёқараши, фикрлаш қобилияти кенг ёшларни талаб этмоқда.

Барчамизга маълумки кейинги йилларда мафкуравий полигонлар кучайиб, одамларнинг онги ва дунёқарашини турли зарарли ғоялар орқали вайрон этиш ҳолатлари, турли диний, этник ва бошқа оқимлар, ёвуз кучлар ўзларининг зарарли ғоялари билан ёшларимизнинг қалби ва онгини эгаллаш учун курашлар кузатилмоқда. Колаверса, динни сохталаштирувчилар, ундан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланувчилар кўпайиши натижасида турли салбий ҳодисалар, жамият тараққиётида кутилмаган фожиалар келиб чиқаётганлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Маълумки, жамиятимизда дин юксак маданият ва маънавий қуроли, бекиёс ахлоқ мактаби сифатида баҳоланади. Дин – эзгулик манбаи сифатида одамларга куч-қувват бағишлайди, иродасини мустаҳкам, бир-бирига меҳр-оқибатли қилади. Ислом динининг манбалари “Қуръон” ва “Ҳадис”ларда илоҳиёт, диний масалалар билан бирга ўз даврининг ахлоқий ва сиёсий анъаналари, инсонпарварлиги, улар ўртасида зиддият, низоларнинг олдини олувчи, адолат ўрнатишга қаратилган ахлоқий фикрлар ҳам кенг ўрин олганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Лекин сўнгги кунларда динни сохталаштирувчилар, ундан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланувчилар кўпайиши натижасида турли салбий ҳолатлар, жамият тараққиётида кутилмаган фожиалар келиб чиқмоқда. Бу иллатларнинг бош мақсади мустақиллик, мамлакат аҳолисининг осойишталиги, тинч тараққиётига таҳдид солиш билан бирга, бошқа мамлакатлар ўртасида низоларни келтириб чиқариш, турли миллат ва халқларнинг тинчлигини бузишга қаратилгандир. Бунинг оқибатида эса жамиятда мустамлакачилик, буюк давлатчилик шовинизми, маданиятсизлик, маънавий қашшоқлик каби салбий муносабатлар юзага келиши муқаррардир.

Ёшлар зарарли ғояларга берилиши натижасида миллий ва умуминсоний кадриятларимизни ҳурмат қилмасдан, маънавий қашшоққа айланиши, жамият ҳаётида юзага келадиган нотинчлик, беқарорликка нисбатан уларда бефарқлик хисси пайдо бўлиши мумкин. Ёшлар онги захарланиши оқибатида эса жамият тараққиёти издан чиқади. Сохта ғоялар улар қалбини эгаллаб, ҳаёт ҳақиқатини тан олмасликка, мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнларни юзаки баҳолашга йўл очиб беради, одамлар фикрлаш, ақл-идрок билан иш тутиш ўрнига ортиқча

хис–ҳаяжонга берилдилар, ҳаётга нисбатан норозиликлар кучаяди, ёшлар руҳиятидаги парокандалик ва паришонлик, охир оқибатда эса тарки дунёчилик кайфиятини уйғотади.

Турли бузғунчи диний оқимларнинг бундай таъсирларига тушиб қолмаслик учун фуқароларимиз, хусусан ёшларимизни маънавий жиҳатдан муҳофазалаш, диний қарашларини тўғри шакллантириш орқали бузғунчи оқимларнинг мақсадларини англаб етиш ва қарши фикр билан жавоб беришда уларга кўмаклашиш, шу билан бирга, бугунги мураккаб жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳолининг турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли диний ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, халқимизнинг, хусусан ёшларнинг маънавий оламини бундай таҳдидлардан асраш, ҳозирги ўта мураккаб бир замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида холис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаси эканлигини англаб етмоқ зарур. Бундан ташқари салбий иллатларга қарши ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, она Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ғурур, ўзликни англаш каби муқаддас тушунчаларни сингдириш, муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш лозимки, мустақиллик биз учун нафақат юксак ғурур-ифтихор манбаи, улкан имкониятлар тимсоли, айни вақтда жуда катта маъсулият ҳамдир. Юртимиз равнақи ва тинчлигини асраш ёшларнинг тинимсиз изланиши ва фидокорона меҳнати билан боғлиқдир. Хусусан, ҳукуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, ёшларимизнинг онги ва қалбида миллий ва умумбашарий кадриятларни мустаҳкамлашда барчамиз масъулмиз. Албатта, бу йўлда эришган ютуқларимизни асраб-авайлаб ўсиб келаётган ёш авлодга етказишимиз лозим. Ёшлар ўз фаолиятида турли хил ғоявий ва мафкуравий тўсиқларга учрамаслиги учун, уларда мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантирмоқ керак. Бунинг учун ёшлар орасида соғлом муҳитни яратиш, таълим-тарбия жараёнларини давр талаблари асосида янада кучайтириш талаб этилади.

Бугунги кунда тинчлик ва хавфсизлик тушунчаси дунё миқёсидаги глобал муаммога айланиб бормоқда. Тинчлик ва осойишталик ҳар бир инсонга даҳлдор бўлган ҳаётий заруратки, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак. Осмонимизнинг

мусаффолиги, ҳалқимизнинг фаровон ҳаёти ва албатта Ватан тинчлиги бизнинг эртанги кунимиз, хотиржам оила даврасида тин олишимиз, касбий муваффақиятларимизни белгилаб беради. Айниқса, диний қадриятларнинг, эзгуликнинг, инсониятнинг душмани бўлган ёт ғояларнинг асл моҳиятини очиб бериш, бузғунчи оқимларни жиловлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ўсиб келаётган ёшларни ҳар қандай бало-қазолардан асрашга ўз хиссамизни қўшиш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиз бўлиши керак. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Ислом динимизнинг бағрикенгликлик ва инсонпарварлик ғояларини тараннум этиш, унинг тинчлик ва барқарорлик, динлар ва миллатлараро тотувлик тамойилларига асосланган дин эканлигини кенг тарғиб қилиш, мусулмон мамлакатларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш, умумий ислом меросини асраб-авайлаш йўлида ҳамкорликни кучайтиришдан иборатдир”(4).

Хулоса қилиб айтганда зарарли оқимлар, ёт ғоялар - жаҳолат, ёвузлик ва ваҳшийликдир. Жамиятмизда ўсиб келаётган ёш авлодни бундай бегона ғояларда ҳимоя қилиш, ер юзидаги барча соф виждонли кишилар, ҳалқ ва миллатлар ҳамкорлигида халқаро муносабатлардаги ноҳақлик ва адолатсизликка қарши курашиш, ҳар бир миллат ва давлатнинг халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли эканлигини амалда эътироф этиш, уларнинг миллий манфаатлари ва суверенитетини ҳурмат қилиш билан бу каби муаммоларга қарши оқилона курашиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон. НМИУ. 2017. Б-27
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б- 37
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б-20
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон. 2017. Б-418